

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАЖОНОВ МУХАММАДЖОН ЮСУБЖОНОВИЧ

АНТРОПОНИМЛАР ДИСКУРС РЕЛЕВАНТИ СИФАТИДА

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**

Мамажонов Муҳаммаджон Юсубжонович
Антропонимлар дискурси релеванти сифатида.....3

Мамажонов Муҳаммаджон Юсубжонович
Антропонимы в качестве релевантного дискурса.....27

Мамаjonov Mukhammadjon Yusubjonovich
Anthroponyms as discourse relevance51

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works55

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАЖОНОВ МУХАММАДЖОН ЮСУБЖОНОВИЧ

АНТРОПОНИМЛАР ДИСКУРС РЕЛЕВАНТИ СИФАТИДА

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В 2020.3 PhD/Fil1030 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталига (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муминов Сидикжон Мирсобирович,
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Улуков Носиржон Муҳаммадалиевич,
филология фанлари доктори, профессор

Пардаев Азамат Бахронович,
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Кўкон давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «15» 05 соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-44-29; факс: (99873) 244-44-91; e-mail: info@fdu.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (91 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2020 йил «18» 05 кuni тарқатилди.
(2020 йил «18» 05 даги 13 рақамли реестр баённомаси).



[Signature]
А.А.Қосимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

[Signature]
И.Т.Ҳожалиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

[Signature]
А.Б.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида прагмалингвистика, дискурсив таҳлил, когнитив тилшунослик, лингвокультурология каби соҳаларнинг юзага келиши ва ривожланиши нутқий жараённинг дискурсив талқинида ҳам муҳим илмий қарашлар пайдо бўлишига олиб келди. Хусусан, кейинги йилларда мураккаб ва серқирра ҳодиса ҳисобланган мулоқот жараёнида сўзловчи – матн – тингловчидан иборат учлик лингвистик тадқиқотларнинг асосий объектига айланди.

Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг сўнгги чорагидан лисоний фаолият маҳсули бўлган ҳар қандай нутқий тузилмани уни яратувчи шахс – муаллиф ва реципиент мулоқоти нуқтаи назаридан тадқиқ этишга катта эътибор қаратила бошланди. Нутқий тузилмага мулоқот жараёни сифатида ёндашув дискурс тушунчаси ва унинг элементлари тадқиқини талаб этмоқда. Нутқ яратиш ва уни идрок этиш жараёни сифатида дискурсив фаолият нутқ яратувчи (адресант) ва уни қабул қилувчи (адресат) шахси билан узвий боғлиқдир. Мулоқот жараёни иштирокчилари бу жараёнда ўз исмлари билан иштирок этади. Шу ўринда антропонимлар дискурс релеванти сифатида матнда муайян ва хилма-хил коммуникатив функцияларни бажаришга ихтисослашади.

Ўзбек тилшунослигида ҳали тадқиқ этилмаган бу каби ихтисослашув мулоқот жараёнида, яъни сўзловчи ҳамда тингловчи ўртасидаги ўзаро мунозарада, антропонимлар функционал хусусиятларининг дискурсив таҳлилини ҳар қачонгидан ҳам зарурият эканлигини тасдиқлайди. Тадқиқ объектига бундай ёндашув дискурс релеванти сифатида антропонимларнинг нутқий жараёндаги энг фаол луғавий бирлик сифатидаги аҳамиятини тўлиқ очиб беради. Антропонимлар матнда нафақат нутқий адресатга ишора қилади, балки унга адресант муносабатини ҳам ифодалайди. Бу эса бугунги кунда дискурс релевантларининг назарий тадқиқига янгича ёндашувларни янада кучайтириш вазифаларини кўяди. Бу вазифаларни “... Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш – энг муҳим масалалардан бири...”¹ доирасида ҳал этиш бугунги кунда лингвистик тадқиқотлар олдига қўйиладиган муҳим талаблардан саналади. Исм инсонни нафақат номлайди, балки одамни мулоқот жараёнига олиб киради. Исм кишиларнинг фикр ва мулоҳазаларини ифодалайди, улар учун мулоқот воситаси сифатида хизмат қилади. Исм айни вақтнинг ўзида инсон маънавияти ва маданиятининг буюк маҳсули ҳамда ривожланиш имконияти ҳамдир. Ана шу маънода мазкур тадқиқот иши исмлар(антропонимлар)ни дискурс релеванти сифатида ўрганиши билан ўзбек халқининг миллий мулоқот тарзи, тарихи, маданияти,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2018 йил 28 декабрь.

урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий қадриятлари ҳақидаги билимларни бойитишда алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сонли; 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли; 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сонли; 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги ПҚ-3160-сонли; 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли; 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармон ва қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Антропонимлар ва у билан боғлиқ муаммолар жаҳон тилшунослиги, рус тилшунослиги, туркология ва ўзбек тилшунослигида нисбатан атрофлича ўрганилган. Бу ўринда таниқли номшунос А.В.Суперанская ишлари²ни, шунингдек, бир қатор туркологлар: қозоқ тилшуноси Т.Жанузаков, озарбайжон тилшуноси А.М.Гурбанов; бошқирд, татар, қирғиз номшуносларининг антропонимистика соҳасидаги салмоқли ишлари³ни эслаб ўтишга тўғри келади.

Ўзбек антропонимикасини замонавий методлар асосида ўрганишга бағишланган дастлабки тадқиқотлар ўтган асрнинг 60-йилларида юзага кела

²Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – М.: Наука, 1973.

³Жанузаков Т. Лично-собственные имена в казахском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1960; Гурбанов А.М. Азербайжан ономастикавы масълэлери. – Баку, 1986; Кусимова Т.Х. Древнебашкирские антропимы: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Уфа, 1975; Садыков З. Личные имена в азербайджанском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Баку, 1975; Чобанов М.Н. Азербайжан антропонимикасининг асослари. – Тбилиси: Генарлеба, 1983; Идрисов А. Кыргыз тилидеги ысымдер. – Фрунзе: Мектеп, 1971; Жапаров Ш. Словарь киргизских личных имен. – Фрунзе: Мектеп, 1979; Саттаров Г.Ф. Татар антропонимикасы. – Казан: КазДУ нашриёти, 1990.

бошлади. Унгача фарзандга исм кўйиш бўйича баъзи илмий-оммабоп мақолалар ҳам чоп этилган эди.

Ўзбек исмларининг маъноларини оммабоп тарзда изоҳлаган дастлабки рисола Я.Менажиев ва Х.Азаматовлар томонидан яратилган⁴ бўлиб, ўзбек тилидаги антропонимларнинг лисоний тадқиқига оид монографик ишлар эса Э.Бегматов, Ғ.Сатторов, С.Раҳимовларга тегишлидир⁵.

Ҳозирга қадар дунё тилшунослигида антропонимларнинг қатор хусусиятлари тадқиқ этилган. Бу йўналишда, айниқса, ономастик бирликларнинг бадиий матндаги услубий хусусиятларига доир тадқиқотлар кўпчиликни ташкил қилади. Жумладан, рус тилшунослари В.Н.Михайлов, Э.Б.Магазаник, Л.И.Колокова, С.И.Зинин каби олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ономастик бирликларнинг бадиий матн яратилишидаги аҳамияти ҳақида сўз боради⁶. Бу борада украин тилшуноси В.М.Калинкиннинг тадқиқотлари алоҳида ажралиб туради⁷.

Ўзбек тилшунослигида ономастика, хусусан, антропонимика бўйича йирик ҳажмдаги тадқиқот ишлари таниқли тилшунос олим Э.Бегматов томонидан бажарилган⁸. Олим ўзбек исмлари ва ўзбек тилидаги ономастик терминларнинг изоҳли луғатини яратган. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида номшунослик масалаларининг ўрганилишида С.Мўминов, Н.Улуқов, Д.Анданиязова, Я.Авлакуловларнинг тадқиқотлари илмий-назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга⁹. Бу йўналишда олиб борилган кичик тадқиқотлар сирасига Н.Умарованинг бадиий матнда тарихий антропонимлар ва

⁴Менажиев Я., Азаматов Х. Исмнингизнинг маъноси нима? – Тошкент: Фан, 1964.

⁵Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1965; Бегматов Э.А. Ўзбек антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013; Сатторов. Ўзбек исмларининг туркий қатлами: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1990; Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998; .

⁶Михайлов В.Н. Собственные имена персонажей русской художественной литературы XVIII и первой половины XIX в., их функции и словообразование: Автореф. дисс. ... филол. наук. – М., 1956; Магазаник Э.Б. Поэтика имен собственных в русской классической литературе: Автореф. дисс. ... филол. наук. – Самарканд, 1967; Колоколова Л.И. Ономастика в художественной речи А.П.Чехова: Автореф. дисс. ... филол. наук. – Киев, 1970; Зинин С.И. Имена персонажей в художественной литературе и фольклоре / С.И.Зинин, А.Г.Степанов // Антропонимика. – М., 1970.

⁷Бу ҳақда қаранг: Калинкин В.М. Поэтикаонима. – Донецк, 1999; Калинкин В.М. Теоретические основы поэтической ономастики: Автореф. дис. ... филол. наук. – Киев, 2000;

⁸Бегматов Э. Антропонимика узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965. – 28 с.; Исм чиройи. – Тошкент: Фан, 1993. – 152 б.; Киши номлари имлоси. – Тошкент: Фан, 1970. – 116 б.; Киши исмларининг маъноларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1962. – № 6. – Б. 50-54.; Исмларнинг сирли олами. – Тошкент: O'zbekiston, 2014. – 174 б.; Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – 264 б.; Ўзбек исмлари. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. – 206 б.; Антропонимларни тадқиқ қилишнинг социолингвистик аспекти // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011. – № 4. – Б.43-49.; Бегматов Э. Ўзбек исмлари (14600 исмлар изоҳи). – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 1998. – 604 б.; Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2009. – 103 б.

⁹Мўминов С. Оказионал нутқий номинацияда мотивациянинг роли: Филол.фан.номз. ... дисс.автореф. – Тошкент, 1990; Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008; Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2010; Анданиязова Д.Р. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017; Авлакулов Я. Ўзбек тили ономастик бирликларининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012.

ономастик бирликлар тадқиқига бағишланган мақолалари¹⁰ни, О.Тожиевнинг иккиламчи номинация асосида пайдо бўлган антропонимлар ва уларнинг ассоциатив хусусиятларига бағишланган мақоласи¹¹ни ҳам киритиш мумкин.

Шундай бўлса-да, ўзбек ономастикаси соҳасида ўтган олтмиш йил давомида қўлга киритилган салмоқли ютуқларга қарамай, бу соҳада ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим муаммолар мавжуд. Профессор Э.Бегматов ўзининг “Ўзбек тили антропонимикаси” номли монографиясида 16 та ана шундай муаммоларни санаб ўтади¹². Олим бу муаммоларнинг энг муҳимларидан бири ҳақида шундай ёзади: “Антропонимларнинг тил воситаси сифатида ўтайдиган асосий вазифаси ва бошқа хил коммуникатив-услубий вазифаларини тадқиқ қилиш талаб қилинади”¹³.

Бизнинг мазкур тадқиқотимиз антропонимика соҳасидаги айнан мана шу муаммони – антропонимларнинг дискурда релевант сифатидаги ўрнини янгича қарашлар нуқтаи назаридан тадқиқ этишга қаратилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек тилининг замонавий ономастика муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбекона мулоқотда қўлланиладиган антропонимларнинг дискурс релеванти сифатидаги услубий-функционал, семантик ҳамда коммуникатив хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ономастик бирликлар ва улар таркибидаги антропонимларга оид тушунчаларни илмий таҳлилга тортиш;

антропонимларнинг коммуникатив, услубий ва функционал жиҳатларини дискурс релеванти нуқтаи назаридан ёритиш;

антропонимлар семантикасини айнанлик ва фарқлилик асосида изоҳлаш;

бадий дискурда антропонимларнинг социолингвистик, лингвопоэтик, лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш.

Тақиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилидаги бадий матнларда ва оғзаки нутқда қўлланилган антропонимлар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини антропонимларнинг дискурс релеванти сифатидаги функционал, мотивацион ва услубий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, контекстуал таҳлил, функционал-семантик таҳлил, услубий

¹⁰Умарова Н. Таҳаллуснинг ундалма сифатида берилиши // Ўзбек тили ва адабиёти, 2003. – № 4. –Б. 81-83;
Умарова Н. Ономастик бирликларнинг услубий хусусиятлари // БухДУ илмий ахбороти, 2014. – № 3 (54). – Б.48-50.

¹¹ Тожиев О.Отларда мазмуний синкретизм//Ўзбек тили ва адабиёти, 2020. – № 1. – Б.98-105.

¹²Бегматов Э. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 29-31.

¹³ Бегматов Э. Ўша манба.– Б. 29.

таҳлил; социолингвистик, лингвокультурологик ҳамда лингвопоэтик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мавзунинг илмий-назарий асослари дискурс, дискурс компонентлари ва релевант тушунчалари асосида ёритилган;

ўзбек тилидаги антропонимларнинг дискурс релеванти сифатида намоён бўлувчи аксиологик, аффектив, вокатив, волютатив, дейктик, семиотик, шунингдек, аташ, фарқлаш, эмоционал-экспрессив сингари қатор услубий-функционал ва ассоциатив хусусиятлари очиб берилган;

антропонимларга хос миллий, диний, фалсафий, этник, магик ва ижодий мотивациялар, шунингдек, антропонимик индикаторларга хос семантик ва функционал жиҳатлар тизимли таҳлил қилинган;

антропонимларнинг бадий дискурс релеванти сифатида *киноя эффекти, юмористик руҳ, салбий субъектив баҳо муносабати, персонаж ном антиномияси, аллюзив ном, ономастик метафора, интертекстуаллик, мазмуннинг ихчамлиги ва серқатламлилиги, ташбеҳ ва қиёс, ўхшатиш эталони, тажнис, иштиқоқ, ассоциативлик, экспрессивлик, “сўзловчи ном” ва рамзийликни* ифодаловчи восита сифатида 20 дан зиёд функционал-услубий хусусиятлари аниқланган ва далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

антропонимларнинг дискурс кўринишларидаги коммуникатив-услубий вазифалари аниқланган;

дискурс релеванти сифатида антропонимларнинг ижтимоий, бадий ва маданий жиҳатларини лисоний нуқтаи назардан далилловчи ҳолатлар ўрганилган;

исм қўйиш билан боғлиқ халқ ва ижодкор мотивациялари ёритилган; антропонимик релевантлар доирасида коммуникантлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқарилганлиги, материалларнинг объективлилиги, тадқиқ асосининг методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот материаллари ва хулосалари дискурс назариясини янада ривожлантириш, антропонимлар билан боғлиқ ечимини кутаётган муаммоларни атрофлича ўрганиш, дискурс ҳақидаги янги қарашларни такомиллаштириш, тил бирликларига айнанлик ва фарқлилик нуқтаи назаридан ёндашишнинг самарали натижалар беришига ишонтириш учун хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар коммуникантлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тадқиқ этувчилар учун методология вазифасини ўтайди, янги типдаги сўзлашгич, адабий, бадий, фольклор, диалектал, халқона, расмий, реал ва мифологик номлар луғатларини тузиш учун ёрдам беради. Шунингдек, диссертация материалларидан олий ўқув юртларининг филология факультетларида

тилшунослик назарияси, ҳозирги ўзбек адабий тили, семасиология каби фанларни ўқитишда, махсус курс ва семинарлар ташкил этишда, дарслик ва қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Антропонимларнинг дискурс релеванти сифатидаги натижаларидан:

антропонимларнинг юзага келиш сабаблари, унга ёндош ҳодисалар, нутқда қўлланиши юзасидан берилган таклифлардан 2013-2014 йилларда бажарилган И-2013-57-рақамли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери” фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасининг “Ижтимоий экология муаммолари” йўналишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 89-03-2057-сонли маълумотномаси). Натижада ижтимоий экология муаммолари доирасида антропонимларнинг юзага келиш сабаблари аниқланган ва унга ёндош ҳодисалардан фарқланган, нутқда тўғри қўлланиши юзасидан маълум самарага эришилган;

мулоқот жараёнида, диалогик нутқда, бадиий дискурда қўлланган антропонимларнинг илмий-тадқиқот натижаларидан 2017-2020 йилларга мўлжалланган Давлат илмий-техник дастурлари доирасидаги ОТ-Ф1-100 рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий-маданий фаолиятининг бадиий-ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” номли фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 89-03-2057-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа доирасида “Шахс ва кадрият” номли монографияда қўлланилган киши исмлари(антропонимлар)нинг лингвистик табиатини мувофиқлаштиришга эришилган;

антропонимларнинг дискурс релеванти сифатидаги материалларидан “O'zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик” дастурида ҳамда “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён” эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (“O'zbekiston” телерадиоканалининг 2020 йил 7 июлдаги O'z-RK-17/75-сонли маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг антропонимлар номловчилар сирасида ўзига хос хусусиятларини намоён этиши, исм қўйиш одоби ва маданияти ҳақида атрофлича маълумотларга эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий анжуман ва 7 та халқаро конференцияда маъруза шаклида баён этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 157 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Антропонимларнинг дискурсдаги релевантлик ҳамда услубий-функционал хусусиятлари тавсифи”** деб номланган биринчи бобда антропонимларнинг услубий-функционал хусусиятлари, уларни дискурс релеванти сифатида тадқиқ этишнинг лингвокультурологик асослари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, ушбу бобда тилшуносликдаги дискурс ва релевант терминлари изоҳланиб, тавсифланган.

Биринчи бобнинг **“Антропонимларнинг услубий-функционал хусусиятлари”** деб номланган биринчи фасли ўзбек ономастикаси ва унинг таркибида ўзбек антропонимикасининг шаклланиши, тараққиёти масалаларига бағишланган.

XX асрнинг 60-70-йилларида ўзбек тилшунослигида экспериментал фонетика, фонология, морфонология, фразеология, стилистика (услубшунослик), нутқ маданияти, ижтимоий тилшунослик (социолингвистика), ареал лингвистика, лингвостатистика каби бир қатор илмий йўналишлар пайдо бўлди. Ўзбек ономастикаси ҳам тилшуносликнинг янги соҳаларидан бири сифатида айнан ўша даврда ривожлана бошлади.

Ономастика – юнонча *onomastike* – сўзидан олинган бўлиб, **“ном қўйиш санъати”** деган маънони билдиради. Тилшунос олимлар Э.Бегматов ва Н.Улуқовлар томонидан ҳозирда бу термин, биринчидан, маълум бир тил, халқ тили таркибида қўлланган барча атоқли отларнинг йиғиндиси, иккинчидан, атоқли отлар, уларнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи тилшунослик соҳаси¹⁴ сифатида қайд этилади.

Ономастика фани тилдаги барча атоқли отларни жамлаб, тоифаларига кўра бир нечта гуруҳларга ажратади. Хусусан, *антропонимия* – кишиларнинг атоқли номлари (исмлари, фамилиялари, ота исмлари, лақаблари, тахаллуслари), *топонимия* – географик объектларнинг атоқли номлари, *гидронимия* – сув ҳавзалари ва иншоотларининг атоқли номлари, *теонимия* – диний тасаввурлар асосидаги худолар, маъбудлар, диний-афсонавий шахс ва мавжудотларнинг номлари, *мифонимлар* – хаёлий-тўқима объектларнинг

¹⁴ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б. 60.

номлари, *зоонимия* – ҳайвон-паррандаларнинг атоқли номлари, лақаблари, *фитонимия* – ўсимликлар номлари, *анемонимия* – табиат ҳодисаларининг илмий адабиёт ва халқ орасидаги атоқли номлари, *космонимия* – фазовий жисмлар, буржлар ва бошқаларнинг номларини объект сифатида тизимли ўрганади.

Бадиий матнлардаги атоқли ном(поэтоним)ларни тадқиқ этиш алоҳида муаммо бўлиб, бу бадиий ономастика ёки ономапоэтиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида ономастика соҳасининг ривожига Т.Нафасов, З.Дўсимов, С.Қораев, Н.Охунов, Н.Ҳусанов, Т.Эназаров, А.Отажонова, Б.Ўринбоев, Р.Нуриддинова, Н.Улуқов¹⁵ каби тилшунос олимларнинг ҳиссаси катта.

XIX аср охири – XX аср бошларидан ўзбек антропонимларини илмий асосда тўплаш ва ўрганиш ишлари бошланган эди. Н.Осторумов, А.Самойлович, С.Олденбург, В.Наливкин, М.Наливкиналар ўзбекча исмлар ва лақабларнинг этимологияси, этнографиясига оид илк тадқиқотларни олиб бордилар. Н.С.Малиский Тошкент шаҳридаги маҳаллий аҳоли исмлари, уларнинг урф-одатлари масалалари билан шуғулланган бўлса, С.Иброҳимов, М.Раҳмоновлар ўзбекча исм ва фамилиялар имлосига оид тадқиқотларни амалга оширдилар.

Ўзбек исмларининг лисоний хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганиш 1960 йиллардан бошланган бўлиб, худди шу даврда Д.Абдурахмонов, Ў.Носиров, Ф.Абдуллаев, М.Шамсиева, А.Ишаев, Х.Дониёров каби олимларнинг ўзбек антропонимикасига доир баъзи илмий ва илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинди.

Н.В.Подольская антропоним термини ҳақида фикр юритар экан, унинг таркибига исм, отасининг исми, фамилия, лақаб, тахаллус, криптоним (лақаб, исм, ном), антропоним, гинеконим, партонимлар киришини қайд этади¹⁶.

“*Антропоним* асли грекча сўз бўлиб, *antro* – одам, *onim* – ном, яъни кишиларга берилган атоқли отлардир. Ўзбек тилида бу термин ўрнида *исм, киши исми, одам отлари, киши номлари* каби истилоҳлар қўлланилади”¹⁷.

Антропонимик бирликлар қуйидагилардан иборат:

¹⁵ Нафасов Т.Топонимы Кашкадарьинской области: Автореф.дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – С. 24; Караев С. Опыт изучения топонимики Узбекистана: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1969; Дусимов З. Топонимы Северного Хорезма: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. – С. 20.; Дусимов З. Историко – лингвистический анализ топонимии Хорезма: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1996. – С 52.; Охунов Н. Топонимия Кокандский группы районов: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978. – С. 23; Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – Б. 56.; Ҳусанов Н.ХV аср ўзбек адабий ёдгорликларидagi антропонимларининг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б. 51.; Отажанова А. Хоразм этнопонимлари ва уларнинг луғавий асослари: Филол. фан. номз ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997; Ўринбоев Б. Категория вокативности в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. – Самарканд, 1964; Нуриддинова Р. Ўзбек ономастикаси терминларининг лисоний таҳлили: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005.; Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б. 45.

¹⁶ Подольская Н.В. Словарь русской ономастической терминологии. – М.: Наука, 1988. – С. 31.

¹⁷ Бегматов Э. А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013, – Б. 10.

1. Исмлар – конкрет шахсга берилган номлар.
2. Лақаблар.
3. Тахаллуслар.
4. Ўзбекларда шахсни номлашнинг ўтмишда мавжуд бўлган баъзи шакллари (“қизи”, “ўғли”).
5. Шахсни унинг исмига ўтмиш аجدодларининг номини такаш (боғлаш) орқали аташнинг арабча шакллари (“ибн”, “бинни”).
6. Ўтган асрнинг 20-30-йилларидан расмий равишда мажбурий қабул қилдирилган русча фамилия ва ота исмлари¹⁸.

Антропонимика соҳасида тахаллуслар ўзбек антропонимия тизимининг етарли равишда ўрганилмаган қатламларидан биридир. Тахаллус сўзи асли арабча бўлиб, “халос бўлмоқ”, “қутулиш” маъноларини англатади. У “шеърда ўзининг асли отидан бошқа иккинчи бир от кўйиш” тарзида ҳам изоҳланади. Тахаллус бу – рамзий ном. Шахснинг тахаллуси битта ёки бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Ёзувчи Абдулла Қодирий *Жулқумбой*, *Жулқунбой*– *Думбулбой*, *Мулла Жулқумбой Думбулбой ўғли*, *Думбулнисо*, *Калвак махзумнинг жияни*, *Жиян*, *Совринбой*, *Овсар*, *Думбул*, *Жиртаки*, *Шигой*, *Йўловчи* каби тахаллусларга эга бўлган. Тахаллусларнинг луғавий асослари, уларнинг танланиш мотивлари хилма-хил¹⁹.

Шунингдек, тадқиқотда антропонимларнинг услубий-функционал хусусиятлари борасида сўз юритилади. Маълумки, тилда мавжуд бўлган сўзлар каби исм (антропоним)лар ҳам тилда турли вазифаларни бажаради. Ўзбек тилидаги антропонимлар дискурс релеванти сифатида *аксиологик*, *аффектив*, *вокатив*, *волютаив*, *дейктик*, *семиотик* сингари услубий-функционал жиҳатларга эга.

Биринчи бобнинг “*Антропонимларни дискурс релеванти сифатида тадқиқ этишининг лингво-этномаданий асослари*” деб номланган иккинчи фаслида ўрганилаётган масаланинг лингвомаданий ва этномаданий жиҳатлари тадқиқ этилган.

XX асрнинг сўнгги чорагидан жаҳон тилшунослигида лисоний фаолият маҳсули бўлган ҳар қандай нутқий тузилмани уни яратувчи шахс – муаллиф ва реципиент мулоқоти нуқтаи назаридан тадқиқ этишга катта эътибор қаратила бошланди. Нутқий тузилмани мулоқот жараёни сифатида ўрганиш дискурс тушунчасининг юзага келишига сабаб бўлди²⁰.

Ўтган асрнинг 50-йилларида америкалик тилшунос Зеллиг Харрис томонидан биринчи марта қўлланилган *дискурс* сўзи бугунги кунда тилшуносликнинг марказий масалаларидан, асосий тушунчаларидан бири бўлган нутқий жараён маъносини ифодаловчи ҳодисани англатмоқда.

Дискурс (фр. discours, ингл. discourse, лот. discursus – орқага чопиш, ҳаракат, айланиш, суҳбат, гаплашиш, яъни нутқ, нутқ фаолияти, сўзлашиш

¹⁸ Бегматов Э. А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013, – Б. 11.

¹⁹ Авлакулов Я. Ўзбек тили ономастик бирликларининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – Б.11.

²⁰ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013, – Б.16.

усули) термини жаҳон тилшунослигида сўнгги ўн йилликда жуда кенг қўлланилиб, бир неча маънода талқин қилинмоқда. Мазкур термин дастлаб боғланма (боғли) матн тушунчасини ифодалаган бўлса, кейинчалик суҳбат, диалог тушунчаларига нисбатан ҳам қўлланила бошланди²¹.

Машҳур инглиз олими Т.А. ван Дейк *дискурс* терминини таърифлар экан, унинг кенг маънода нутқий жараёнда вербал ва новербал воситалар ёрдамида юзага чиқувчи сўзловчи ҳамда тингловчи ўртасидаги ўзаро мунозара эканлигини таъкидлайди. Тор маънода эса коммуникатив жараённинг тугалланган ёки давом этаётган “ҳосила”си, яъни оғзаки ёки ёзма шаклдаги контекст (нутқ) эканлигини уқтиради²².

Л.Раупова томонидан келтирилган таъриф дискурс тушунчасини моҳиятан тўлиқ ифодалайди: “Дискурс – фикрни баён қилиш жараёни, лисоний имкониятларнинг ёзма ёки оғзаки моддий воқеланиши, лисоний ва нолисоний воситаларнинг биргаликда ишлатилиши, лингво-этно-психоситуацион омиллар мажмуи. Дискурс турли лисоний ва нолисоний омиллар бутунлигидан ҳосил бўлган ўзига хос мураккаб бир тизим, системадир²³.”

Г.Тоирова эса ана шундай мураккаб системани куйидаги таркибий қисмларга ажратади: *дискурс жараёни иштирокчилари(1); дискурс воситаси бўлган умумий тил, лисоний вербал омиллар(2); дискурс учун умумий бўлган новербал ва фонацион омиллар(3); дискурсив мақсад(4); дискурсив ҳолат(5)*²⁴.

Агар дискурс тушунчаси сўзловчи ва адресант муносабатини тақозо этиши инобатга олинса, уларнинг *руҳий-психологик ҳолатини* ҳам дискурс структураси таркибига киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки дискурс тушунчаси асосини ташкил этувчи сўзловчи ва адресантнинг руҳий-психологик ҳолати бутун нутқ жараёнига ва унда фойдаланилувчи вербал ва новербал воситаларга ҳам ўз таъсирини ўтказади.

К.Ф.Седовнинг фикрига кўра, дискурсив фаолият нутқ яратиш ва уни идрок этиш жараёнидир²⁵. Бинобарин, ушбу жараён нутқ яратувчи – адресант ва уни қабул қилувчи – адресат шахси билан узвий боғлиқдир.

Релевант сўзининг ўзаги *реле* (электр занжирини улайдиган ва узадиган асбоб, автомат рубильник²⁶) бўлиб, О.С.Ахманова томонидан *тил бирликларини фарқлаш, мулоқот воситаси* маъноларида ҳам қўлланилиши таъкидлаб ўтилган²⁷. Биз ҳам тадқиқот ишимизда ушбу терминни айнан мана шу маънода қўллашни лозим топдик.

Антропонимларнинг лингво-этномаданий хусусиятлари бадий дискурсда тўла намоён бўлади. Жумладан, Ж.Шариповнинг “Хоразм” трилогияси қаҳрамонлари *Жумагул, Бекижон, Исфандиёрхон, Матчон тўра*,

²¹ Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. – М.: Прогресс, 1978, – С. 467.

²² Дейк Т.А. ван. Язык. Познание. Коммуникация. – Блогорешенск: РИО.БГК им И.А. Бодуэнде Куртенэ, 2000. – С. 117.

²³ Раупова Л. Диалогик нутқнинг дискурсив талқини. – Тошкент: Фан, 2001. –Б. 178.

²⁴ Тоирова Г. Прагмалингвистика – Т., 2016, – 10.

²⁵ Седов К.Ф. Дискурс и личность. – М., 2004, – С. 19.

²⁶ Русча-ўзбекча луғат. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1984, – Б. 352.

²⁷ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 383.

Султонпошиш кабиларнинг исмлари Хоразм воҳасига хос бўлса, С.Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясидаги *Икромжон*, *Турсун*, *Жаннат хола*, *Низомжон* номлари Фарғона водийсида кенг тарқалган киши исмларидандир.

Диссертациянинг “**Антропонимларнинг мотивацион ва индикатор хусусиятлари тадқиқи**” деб номланган иккинчи боби антропонимлар мотивацияси тадқиқи, антропонимик индикаторларнинг релевантлик хусусиятлари ва уларнинг семантик-функционал таснифи масалаларига бағишланган.

Бобнинг “**Антропонимларнинг мотивацион хусусиятлари**” деб номланган биринчи қисмида исм қўйиш билан боғлиқ халқ ва ижодкор мотивациялари тадқиқ этилган.

Мотивация тилшуносликда икки хил талқин қилиниб, биринчисида ном қўйиш учун асос бўлган экстралингвистик воситалар – ният, хоҳиш, истак, орзу, ишонч, эътиқод кабилар тушунилса, иккинчисида ҳар қандай сўз ясалиши мотивловчи база (ясалиш асоси) ва мотивланувчи сўзларнинг муайян мотивация воситаси (формант) орқали мотивация муносабатига киришуви натижаси тушунилади²⁸. Исм танлашдаги мотивациялар магик, диний, тарихий, орзу-истак, жой-маконга оид бўлади.

Магик қарашлар билан боғлиқ антропонимлар, айниқса, фольклор (халқ оғзаки ижод)да ёрқин акс этади. Хусусан, “Гўрўғли” достони қаҳрамонининг онаси вафот этгач, олти ойлик ҳомиласи билан қабрга қўйилади. Ҳомила ер ости (ўзга олам)да “ўлик тана”да уч ой ривож топиб, кўклам келиши билан туғилиб, ер юзига чиқади, у ёруғ оламда улғайиб, камолга етиб, кексайиб, яна ўз макон(гўр)ига қайтиб кетади. Гўрўғли ёруғ оламга бир йилда бир маротаба қайтади.

Диний характердаги антропонимлар бевосита Аллоҳнинг номи билан ҳамда пайғамбарлар ва уларнинг авлод-аждоди, халифалар номи билан боғлиқ тушунчаларга алоқадор бўлади. Я.Авлакулов ўзининг ўзбек тили ономастик бирликларининг лингвистик тадқиқига бағишланган иши²⁹да антропонимларнинг бу тури кўлам жиҳатдан анча кенглигини таъкидлайди. “Қуръони Карим”да Одам, Нух, Худ, Солиҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Юнус, Мусо, Ҳорун, Илёс, ал-Ясаъ, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яхё, Исо, Муҳаммад сингари 28 та пайғамбарнинг номи тилга олинган.

“Айтишларича, Одам алайҳиссаломнинг камтарин куняси Абулбашар, шариф лақаби Сафиюллоҳдир. Шунинг учун *Одам* дейилганки, муборак жисмлари ер юзасидан олиб(адими замин) яратилган. Шу сабабли унга *Одам* деб исм қўйишди. Баъзилар фикрича, (Одам алайҳиссаломнинг) покиза баданлари буғдойранг бўлган. Шунинг учун *Одам* деганлар, Дастлабки фикрга кўра, *Одам* сўзи адим — пўст сўзидан олинган (в. 26); луғатда уни

²⁸Нурмонов А. Танланган асарлар. III жилд, – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 165.

²⁹Авлакулов Я. Ўзбек тили ономастик бирликларининг лингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2012.– Б.13.

«рўйи замин пўсти» дейилган. Иккинчи ривоятга кўра, *Одам* «одама» (сўзидан)дан олинган. Ал-адама (мим ва дол фатҳали, ҳо сокин) деб буғдой ранглини айтилган. Бошқа бировларнинг айтишича, сув билан тупроқ аралашмаси Одам дейилган. Ҳар қалай ҳазрати Ҳақ таолонинг Одамни яратишида кўп ҳикматлар ва турли-туман сирлар саноксиздир. Шу жиҳатдан исм қўйиш илмининг барча қийлу қолини бевосита унга ўргатди. “Аллама Адам аласмаа куллаҳа” (“Одамга исмларнинг ҳаммасини ўргатди”) бунга шоҳиддир”³⁰. “... ва Одамга исмларнинг барчасини ўргатди...” (“Бақара” сураси, 31-оят). Борлиқдаги барча жисм ва ашёларни номлаш Аллоҳ томонидан Одамга берилган улуғ сирдир³¹.

Диний антропонимлар орасида энг кўп тарқалган исм – Муҳаммад (с.а.в.) исмидир. “Ислом тарихи“ китобида бу ҳақда шундай ёзилади: “Абдулмутталиб қувончдан тўлиб-тошиб, шошганча етиб келди. Мурғак набирасини кўлига олиб, меҳр билан ўпди. Уни авайлаб кўтариб, Каъбаи муаззамнинг ичига олиб кирди. Аллоҳ таолога ҳамд айтиб, дуойи хайрлар қилди. Сўнг набирасига Муҳаммад, деб исм қўйди. Араблар ичида бу исм унчалик тарқалмаган эди. Одамлар хайрон қолишди. Араб тилининг хусусиятидан келиб чиқиб, тилшунос уламолар: “Айни шу – “Муҳаммад” сийғасидан “мақтови тинмай янгиланиб турувчи” деган маъно чиқади”, дейдилар³².

Бу каби антропонимлар аксарият куня (лақаб) билан қўлланади. Масалан, Фотима Алига турмушга чиққач, Захро (“тангрининг нури”) унвонига сазовор бўлади. Кейинчалик бу унвон Фотимаи Захрога айланади ва Захро, Зухра исмларининг юзага келишига сабаб бўлади³³. Фотима исми араб тилида “она кўкрагидан ажратилган”³⁴ маъносини англатади.

Хуллас, ушбу фаслда магик, диний ва орзу-истак асосида мотивланган антропонимлар ҳамда уларнинг луғавий маънолари изоҳланади.

Диссертация иккинчи бобининг **“Антропонимик индикаторлар ва уларнинг семантик-функционал таснифи”** иккинчи фаслидан қуйидаги мулоҳазалар ўрин олган.

Индикатор терминини З.Дўсимов ўзбек ономастикасига илк маротаба олиб кирган эди³⁵. Бизнингча, номлар таркибида келадиган бундай birlikлар атоқли отларнинг барча турлари (топоним, антропоним, гидроним каби) га хосдир. Шунинг учун уларни ономастик индикаторлар деб номлаш ва маълум бир тизим асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Шунга кўра, антропонимик индикаторларни семантик жиҳатдан қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

1. Шахснинг ижтимоий ҳолатини кўрсатувчи индикаторлар.

³⁰ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1994.

³¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент: Hilol-nashr, 2018. – Б.19.

³² Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Кўрсатилган асар. – Б.163.

³³ Бегматов Э. А. Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013, – Б. 159.

³⁴ Бегматов Э. А. Кўрсатилган асар. – Б. 458.

³⁵ Дўсимов З. Топонимик индикаторлар //ЎТА. - № 5. – Тошкент, 1972. – Б.71-74.

2. Жинс ифодаловчи индикаторлар.
3. Эътиқод ва ишонч ифодаловчи индикаторлар.
4. Насл-насаб ифодаловчи индикаторлар.

Шахсинг ижтимоий ҳолатини кўрсатувчи *бек* индикатори, дастлаб “катта”, “йирик” каби маъноларни англатган, кейинчалик сифатдан отга ўтган. Бег/бек сўзининг дастлабки маъноси ҳозирги кунда Хоразм ўғуз шевасида сақланиб қолган³⁶.

Шунингдек, ишда *-бека/-бика, -мирза/-мирзо, -поиша, -қул, -тўра, -хон, -хотин, -шоҳ-/ шо-, -охун, -мулла, -қори, -ғози, -султон* сингари индикаторлар ва уларнинг луғавий маънолари, қўлланишидаги услубий хусусиятлари ёритилган. Индикаторлар функционал-вазифавий жиҳатдан *монофункционал* ва *полифункционал* бўлади. Масалан, *-бой-* ва *-хон-* индикаторлари полифункционал характерда бўлиб, шахсинг ижтимоий ҳолатини ифодалайди ҳамда жинсни кўрсатади.

Диссертациянинг “**Бадий дискурда антропонимларнинг релевант сифатида қўлланилиши**” номли учинчи бобида антропонимларнинг бадий дискурда ва халқ оғзаки ижодидаги релевантлик, этномаданий хусусиятлари, шунингдек, диалогик дискурда антропонимларнинг коммуникатив-функционал хусусиятлари баён қилинган.

Бобнинг “**Бадий услубда антропонимлар дискурс релевант сифатида**” деб номланувчи биринчи фаслида бадий матнда қўлланган антропонимларнинг мулоқот жараёнидаги релевантлик хоссаларига эътибор қаратилган.

Араб тилидан ўтиб ўзлашган, “сочиб, тўкиб ташлаш” маъноларини англатадиган *насп* – вазн ва қофияга эга бўлмаган нутқ маҳсули³⁷, ижодкор учун китобхонга ўз ғояларини ифода этиш (сочиб, тўкиб ташлаш)да, ҳар бир сўздан, жумладан, персонажларга қўйилган исмлар (антропонимлар)дан турли мақсадларда фойдаланишда чекланмаган имкониятлар беради.

Антропонимлар дискурс релеванти сифатида насрий ва ҳажвий асарларда бир қатор услубий вазифаларни бажаришга ихтисослашган бўлади. Яъни, атайди: *Ўзбек ойим, Офтобойим, Мирзакарим Қутидор (А.Қодирий); фарклайди:* *Ёдгор (Ғ.Ғулом); Умид (Мирмуҳсин); Робия (Ў.Ҳошимов); тавсифлайди:* *Қоровой (Ғ.Ғулом), Асрор бобо (А.Қаҳҳор); бадий ғоя ва мавзуга мутаносиб тарзда бадий юк ташийди:* *Унсин (Абдулла Қаҳҳор); асардаги воқеаларни ҳаракатга келтиради:* *Отабек (“Ўтган кунлар”); Раъно (“Меҳробдан чаён”), Икромжон (“Уфқ”); воқеалар билан боғлиқ инсонлар муносабатини ифодалайди (Отабек – Кумуш, Отабек – Ҳомид, Отабек – Сафар бўзчи ва ҳ.); бадий асарни номлайди, библионимга айланади:* “*Асрор бобо*”, “*Унсин*” (А.Қаҳҳор); “*Нетай*”, “*Ёдгор*” (Ғ.Ғулом); киноя ифодаловчи услубий восита: *Ханка ва Танка (С.Аҳмад), Маъшуқахоним (Эркин Аъзам); юмористик руҳ ифодалайди:* *Харажатхон (“Муштум” журнали); субъектив*

³⁶ Раҳимов С. Хоразм минтақавий антропонимияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: – Б. 106.

³⁷ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б. 22.

баҳо англатади: *Худбиддин (Одил Ҳайитов)*; персонаж ном антиномияси бўлади: Хушчақчақий, Ғамхўров (Б.Жуманиёзов); “сўзловчи ном” вазифасини бижаради: Мафкурахоним, Маъшуқабегим (Эркин Аъзам), Асрор бобо (А.Қаҳҳор), Тошпўлат тажанг (А.Қодирий), Маузер (Ў. Ҳошимов) ва х..

Насрий асарларда исмларнинг “сўзловчи ном”³⁸ вазифасида келиши энг кўп учрайдиган ҳодиса ҳисобланади.

Шеърый матнда ҳам антропонимлар дискурс релеванти сифатида қатор функцияларни бажариб келади. “Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати”³⁹ асосида бу функцияларни қуйидагича белгилаш мумкин:

1. **Аллюзив ном** сифатида қўлланади (Мўмин Мирзо антропоними воситасида бундан 500 аввал бўлиб ўтган мудҳиш қотиллик ҳақидаги фактга ишора қилинади; Тоҳир ва Зухро исмлари орқали эса фольклор қаҳрамонлари билан боғлиқ сюжетлар ёдга солинади): ... *Ғунчадек қалбида оҳи увишган, Мўмин Мирзо укам сени ўлдирдилар (Абдулла Орипов. Мўмин Мирзо); Оқиб кетди сувларда Тоҳир, Зухро йиғлаб қолди қон бағир (М.Юсуф. Меҳр қолур).*

2. Рамзий маънода **ономастик метафора** сифатида қўлланади: *Баъзи дард бор, ўлдирмас, Лекин ҳамроҳ бўлар маҳшаргача то... (Абдулла Орипов. Бойқаро) – “Маҳшаргача ҳамроҳ дард – Мўмин Мирзо дарди”; Юрак сандигидан Тоҳирни эмас, Тилла ахтаради энди Зухролар (Ш.Имомназарова. Оламни қоплади макру ҳийлалар).*

4. Диний-тарихий шахслар номи воситасида шеърятда **интертекстуаллик** (бошқа бирор воқелик, асар ва китоб мазмунига ишора қилинади) ҳосил қилинган, натижада бадий матнда экспрессивлик таъминланган: *Ҳеч ким холи эмас куфр-хатодан, Ахир тарқалганмиз Одам Атодан (А.Орипов. Замин).*

5. Интертекстуаллик воситасида шеърятда **мазмунни ихчамлаштириш**: *Мусо илтижоси етди-ю гўё, Ҳақ Тур тоғи узра кўргазди жамол (А.Орипов. Алишер).*

6. Интертекстуаллик асосида бадий **мазмуннинг серқатламлилигини таъминлаш**: *Улуғ отдошларим мақоми юксак, Мен шогирд эрурман гарчанд аларга. Ҳар нечук бир гапни айтмоғим керак: Осон бўлмаган ҳеч Абдуллоларга (А.Орипов. Исм).*

Бу ўринда Абдуллолар поэтоними ўзбек адабиётининг уч забардаст вакили – Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ ассоциацияларни пайдо қилади.

7. **Ўхшатиш/қиёс/таибеҳ** санъатини яратишда лингвопоэтик восита сифатида иштирок этади: *Зухро бўлмасанг ҳам чиройда, Мен ишқингда нақ Тоҳир эдим (Миртемир. Сурат).*

8. **Тажнис** санъатини яратишда лингвопоэтик восита сифатида. Масалан, шеърда Фурқат антропоними ўз апеллятиви билан бирга қўлланади,

³⁸ Магазаник Э.Б. Ономопозтика или “говорящие имена” в литературе. – Ташкент: Фан, 1978.

³⁹ Худойберганова Д., Анданиязова Д. Ўзбек тили поэтонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016.

2 хил тушунча ифодаланади, яъни шоир исми ва айрилик: *Йиғлади фурқатда Фурқат, Ҳам муқимликда Муқийм...* (Э.Воҳидов. *Ўзбегим*)

9. *Халқона руҳ/халқчилликни* таъминлаш мақсадида:

Полвон эди Матмуса,

Тўрт фил кучи жам эди.

Қишлоқда энг зўр аммо,

Ақли бир оз кам эди (Э.Воҳидов. Донишқишлоқ латифалари).

Баъзан биргина антропоним бир ўринда бирдан ортиқ услубий функция ҳам бажариши мумкин, яъни полифункционал характерда бўлади. Масалан, шоир М.Юсуфнинг “Мадҳия” шеъридаги Гўрўғли, Б.Исонинг “Тушимда Гулливер бўлганим...” шеъридаги Гулливер антропоними полифункционал антропонимга мисол бўла олади:

Гўрўғлилар қонга ботса Ғиротларда,

Кўр ўғиллар юртни сотса хилватларда... (М.Юсуф);

Бор гап шу – тушимда Гулливер бўлиб,

майдалар ичига тушдим-у,

лекин улар таловида кетмадим ўлиб... (Б.Исо)

Бу шеърий матнларда Гўрўғли ва Гулливер поэтонимлари қуйидаги лингвопоэтик функцияларни бажариб келмоқда:

поэтоним бирлик;

ономастик метафора;

экспрессивлик;

ассоциативлик;

ташбеҳ/ўхшатиш;

интертекстуаллик;

аллюзивлик;

иштиқоқ.

